

АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ШИША ИДИШЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Сурайё Бобомуратовна Маматалиева

Чирчик давлат педагогика университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада антик ва илк ўрта асрлар билан храналогик даврлаштирилган шиша идишлар таснифи келтирилади. Бунда жаҳон миқёсидаги археологик топилмалар қиёсий таҳлил қилиниб, Ўзбекистон тарихидаги асос қилиб олинган. Ўрганилган даврда “Буюк ипак йўли”нинг аҳамияти нихоятда катта бўлиб, халқларнинг маданий алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда муҳим вазифани бажарган.

Калит сўзлар: Антик давр, илк ўрта асрлар, шиша мунчоқ, шаффоф шиша, бўғиқ шиша, баргак, диадема, флакон.

ABSTRACT

This article provides an analysis of glassware found in antiquity and the early Middle Ages. It is based on archeological finds from around the world. During the period under study, the importance of the Great Silk Road was enormous and played an important role in establishing and strengthening cultural ties between nations.

Keywords: Antique period, early Middle Ages, glass bead, transparent glass, cloudy glass, bargak, diadem, bottle.

КИРИШ

Археологик манбалар асосида антик ва илк ўрта асрларда шиша идишлар қимматбаҳо маҳсулотларнинг тури сифатида қайд этилган ва атири идишлари ва зеб-зийнат буюми сифатида ишлатилгани аниқланган. Қадимги дунё санъатида шиша маҳсулотлар (гулдон, мунчоқ, исирға, тамға ва бошқалар), асосан, сопол қолиплар ёрдамида тайёрланган, лекин улар бўғиқ (ношаффоф), яшил, зангори, феруза рангли бўлган. Европада VI асрдан бадиий шишачилик маркази сифатида Византия шухрат қозонди. Гарбий Европада готика даврида витраж (мозаика) санъати юксак даражага кўтарилиди[1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Эллинизм даврида Ўрта Осиёда шиша ва ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошқа соҳалар қаторида

юксалади. Ўзбек- француз экспедицияси Самарқанд шахридан 30 км шимолда жойлашган илк темир даври ёдгорлиги ҳисобланган Кўктепада изланишлар олиб бориб, бир қатор муҳим маълумотларни қўлга киритиши. 1999-2000 йилийилларда бошланган экспедиция муваффақиятли ҳаракати натижаси мил.авв. II-I асрларга оид бой мозор- қўрғон очиб ўрганилди[2]. Ўрганилган қабр нафақат Самарқанддаги, балки Ўзбекистондаги энг йирик қабр ҳисобланади(майдони 11x5.50 м., чуқурлиги 6.50 м.). Қабрга 25-35 ёшдаги аёл дағн этилган. Аёлнинг боши шарққа, юзи тепага қаратилган. Аёл билан бирга қабрга қўйилган нарсалар аёлнинг юқори табака вакили, ёки задогон эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Кўйлак атрофида 345 дона олтиндан ясалган цилиндросимон баргаклар, 57 дона шишадан ясалган мунчоқларнинг топилиши бунга мисолдир[3]. Шиша мунчоқлар тадқиқотчилар фикрича, Рим ёки Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган. Зодагон қабрида 57 дона шиша мунчоқ олтин баргаклар қаторида топилиши, яна унинг қўшни маданиятлардан олиб келиниши қимматбаҳо металл сифатида қаралганини англатади. Милоддан аввалги II ва милодий I асрларга тегишли маълумотларга қараганда, Афросиёб худудидан кичкина шиша идиш бўлаклари топилган[4].

НАТИЖАЛАР

Кушон даврининг энг қўзга кўринган ёдгорлиги, олимлар томонидан Кушонларнинг дастлабки пойтахти сифатида эътироф этиладиган Далварзинтепадан ҳам шишадан ишланган маҳсулотлар топилади. Ўзбек- япон олимлари томонидан ташкил қилинган экспедиция бу ерда 1989- йил кузида биринчи изланишларини бошлади. 1996 йилдан изланишларни кучайтириб, бир қатор топилмалар орқали Далварзентепа ёдгорлигини даврлаштиришга, арк ва тураг- жойларини ўрганишга эришди. Далварзинтепадан жами 66 минг археологик топилма топилган. Б. Турғунов “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” ҳисобот журналида Далварзинтепа тураг-жой мавзесида қазишиша ишлари олиб борганлигини келтиради. Қазишиша майдонларини ДТЦ- 4,5 ва 6 шартли белгилаб олади. ДТЦ- 4 энг қадимги даври милоддан аввалги III –II асрлар юнон-бактрия даври билан, энг охирги босқичи чоғонхудотлар милодий VI- VIII аср бошлари билан хранологик даврлаштирилди[3]. ДТЦ- 4 нинг 5-қурилиш даврига оид шиша флакон муҳимдир. Баландлиги 8,5 см, қорин диаметри 6 см. Шиша флакон синиб тушган. Флакон соқолли одам кўринишини эслатади. Илонсифат тасвирга эга лентаси мавжуд шиша идиш тўқ малла рангли шишадан ясалган. Қадимги ва антик даврларда Ўрта Осиёда энг кенг тарқалган бош кийимлардан

бири диадемалар бўлган. Г.Каттаеванинг маълумотларига кўра, улар асосан лента ва учбурчак рўмол шаклида бўлган[6].

МУҲОКАМА

Бақтрия худудидаги энг дастлабки диадемалар мил. авв. II минг йилликка оид бўлиб, Сополли маданиятининг Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан топилган. Флакон маҳаллий ишлаб чиқарилгани, ёки савдо орқали қўшни мамлакатлардан олиб келингани ҳақидаги маълумотлар келтирилмайди[8]. Шунга кўра Ўрта Осиёда лентали диадемалар қадим тарихга эга эканлиги ҳисобга олинса, бу одамнинг боши шаклидаги сув идиш маҳаллий усталар томонидан ишлаб чиқарилган, деган хulosага келишимизга асос бўлади.

ХУЛОСА

Антик даврда Ўрта Осиёда шиша маҳсулотларидан кўп ясалганлари ошхона идишлари ҳамда пардоз воситалари идишлари ҳисобланади. Тоҳаристон тарихий вилоятида ҳаворанг, қизил рангли шиша тайёрланган. Археология ёдгорликлари ўша даврларда Самарқандда ҳам шишадан безак буюмлари ишланганлигини кўрсатади[1]. Илмий тадқиқотларга қараганда шиша ишлаб чиқариш ҳақидаги биринчи тарихий маълумот Таншу йилномасида келтирилган. Хитой ёзма манбаларига кўра, қизил ва оч яшил рангдаги шиша идишлар “Осмон ўғиллари” (Хитойда хукмронлик қилган сулола вакиллари ўзларини шу номда улуғлашган) империясида юқори баҳоланган. Чунки шиша идишлар Марказий Осиёдан Хитойга 713 -715-йилларда экспорт қилинган[1]. Шубҳасис, маҳсулот ишлаб чиқариш техникаси жуда қийин ва мураккаб бўлган. Ислом динидан олдин бу хунар сирлари бир авлоддан иккинчи авлодга ясаш технологияси сир сақланган ҳолда ўтказилган[7].

REFERENCES

1. Шиша//Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 10-жилд. Тошкент. 80-82 бб.
2. М.Исамиддинов, К. Рапен, Ф. Грене. Раскопки на городище Коктепа. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар
3. Б.А. Тургунов. Исследования узбекско-японской экспедиции на Дальварзинтепа. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2000 йил. Самарқанд. 2001. 150-157 бб.
4. Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК, XXXIII.Москва-

Ленинград, 1950.157 с.

5. Б.А. Тургунов. Исследования узбекско-японской экспедиции на Дальварзинтепа. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2000 йил. Самарқанд. 2001. 150-157 бб.
6. Каттаева Г.Сополли маданияти тақинчоқларининг вазифаси хусусида мулоҳазалар //« Қадимий Жиззах воҳаси -тарих, маданий тараққиёт ва замонавий ўзгаришлар» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Жиззах 2021.с.236-240.
7. Художественная культура Центральной Азии и Азербайджана IX-XVвв. ТомII.Стекло. Самарқанд- Тошкент: МИЦАИ, 2011. 98с.
8. Маматалиева, С. Б. (2021). Шиша буюмлар тарихий манба сифатида. Academic research in educational sciences, 2(9), 667-671.